

Қудачилик асосида никоҳи абадий ҳаром бўлган аёллар



17:03 / 09.11.2018 3045

1. Ўгай оналар.
2. Фарзандларнинг хотинлари.
3. Қайноналар.
4. Ўгай қизлар.

Яъни, хотиннинг бошқа эридан бўлган қизи ҳам эрга ҳаром бўлади. Бунга ўгай қиз набиралар ҳам киради. Ушбу масалада Қуръони каримда бошқа тоифалардан фарқли равишда тафсилот келган.

Бир киши бир аёлга никоҳ ақди қилса-ю бирга эр-хотин бўлиб яшамай, қовушмай ажрашган бўлса, у аёлнинг бошқа эридан бўлган қизига уйланса, бўлади. Аммо, ақди никоҳдан кейин эр-хотин бўлиб яшаган, қовушган бўлса, унинг бошқа эридан бўлган қизига уйланиб бўлмайди. Чунки онасини хотин қилганидан кейин, у аёлнинг қизи ҳам эркакка худди ўз қизидек бўлиб қолади. Агар онаси билан никоҳда бўлганидан кейин у билан ажрашиб, қизини олиш мумкин бўлса, она билан қизнинг орасидаги алоқаларга футур етади. Она ўзининг иккинчи эрини бошқа эридан бўлган

қизидан рашк қиладиган бўлиб қолади.

Уламоларимиз шу маънодаги масалада бир қоида ишлаб чиққанлар. У қоидада:

«Қизларга ақди никоҳ қилиш оналарни ҳаром қилади. Оналар билан қовушиш қизларни ҳаром қилади», дейилади.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: **«Бир одам аёл киши билан фосид никоҳ орқали ёки зино йўли билан қовушган бўлса ҳам, ўша аёлнинг қизи у эркакка ҳаром бўлади»**, деганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қудачилик алоқалари туфайли баъзи аёлларнинг никоҳи абадий ҳаром қилиниши ҳам Ислом шариатининг бошқа ҳукмлари каби улкан ҳикматларга асослангандир.

Аввало, қудачилик алоқалари Аллоҳ таоло томонидан берилган бир неъматдир. У орқали бир-бирига бегона кишилар қариндош бўладилар. Аллоҳ таолонинг номи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва мўмин-мусмонларнинг гувоҳлигида ўрнатилган ана шундай муқаддас алоқанинг ўзига яраша ҳурмат-эҳтироми ҳам бўлиши керак, ахир.

Шунинг учун ҳам Исломда қудачилик алоқаси керакли нуқталарда насаб алоқасига тенглаштирилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида:

«Қудачилик яқинлиги ҳам худди насаб яқинлиги кабидир», - деганлар.

Шунинг учун ҳам насаб йўли билан қайси тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган бўлса, қудачилик йўли билан ҳам худди ўша тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Насабдан етти ва қудачилиқдан ҳам етти (тоифа аёл) ҳаром қилинди», - деганлар.

Шу билан бирга, қудачилик туфайли баъзи одамларнинг никоҳини ҳаром қилиш шак-шубҳалардан холи бўлган ҳолда қариндошлик алоқаларини ривожлантиришга йўл очган.

